



**Вакант лавозимларига ишга қабул қилиш, ходимларни бошқа
лавозимга ўтказиш бўйича Танлов комиссияси йиғилишининг
16-БАЁНИ**

Тошкент шаҳар
Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси
Кичик мажлислар зали

2022 йил “15” ноябрь

Танлов комиссияси раиси:

Н.Эгамбердиева - Ўзбекистон
Республикаси Оила ва хотин-қизлар
давлат қўмитаси раисининг
ўринбосари

Комиссия аъзолари:

Н.Матякубова – Юридик бўлим
бошлиғи

Р.Мирхолиқова – Бўлим бошлиғи

З.Искандарова – Бошқарма бошлиғи

М.Махмудова – Бўлим бошлиғи

Таклиф этилганлар:

А.Абдиев - Ўзбекистон Республикаси
Президенти хузуридаги Давлат
хизматини ривожлантириш агентлиги
масъул ходими.

Комиссия котиби:

И.Тлеубергенова - Инсон ресурслари
ва комплаенс назорат бўлими
бошлиғи

Йиғилиш кун тартиби:

Юридик бўлим бош юрисконсулт,

Маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари ишини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси

лавозимларига ўтказилган суҳбат якунлари тўғрисида

Юридик бўлим бош юрисконсулт, Маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари ишини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси лавозимларига <https://vacancy.argos.uz> сайтида жорий йилнинг 15 ва 17 октябрь кунлари очик танлов эълон қилинди.

Юридик бўлим бош юрисконсулт лавозимга 8 нафар, Маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари ишини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси лавозимга 12 нафар номзодлардан аризалар келиб тушди.

Номзодлар ичидан малака талабларига мос келган 8 нафар номзодлар саралаб олинди ва танловнинг тест босқичига ўтказилди. Тест босқичида 5 нафар иштирокчи белгиланган балл тўплаб, суҳбат босқичига ўтказилди.

5 нафар номзодларга суҳбат босқичига ўтганлиги ҳақида хабардор қилинди.

Номзодларга танлов комиссия аъзолари томонидан соҳага оид саволлар берилди. Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг асосий мақсад ва вазифалари нималардан иборат?, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги ПФ-87-сонли Фармони мазмун-моҳияти тўғрисида нималарни биласиз?, Норма ижодкорлиги тушунчаси каби саволлар билан мурожаат этилди.

Танлов комиссияси танлов иштирокчисининг саволларига тўғри ва аниқ жавоб бериши, иш тажрибаси, соҳавий билимини эътиборга олиб **қарор қилади:**

1. Маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари ишини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассис лавозимига номзод Диловаров Дилёр Аббор ўғли давлат хизматида иш тажрибаси етарли эмаслигини, саволларга аниқ жавоб бермаганини инобатга олиб ушбу лавозимга тавсия этилмайди.


2. Маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари ишини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассис лавозимига номзод Кадиров Анвар Хуррамович бош юрисконсулт лавозимига тавсия этилгани сабабли ушбу лавозимга тавсия этилмайди.

3. Юридик бўлим бош юрисконсулт лавозимига номзод Мирзаев Хамза Абдурасулович суҳбат жараёнида иштирок этмаслигини маълум


қилгани сабабли, номзод Шахриёров Ҳамидулла Шухрат ўғли номаълум сабабларга кўра иштирок этмагани учун ушбу лавозимга тавсия этилмайди.

4. Юридик бўлим бош юрисконсулт лавозимига номзод Кадиров Анвар Хуррамович тавсия этилсин. А.Кадировнинг тегишли хужжатлари Адлия вазирлигига келишиш учун юборилсин.

Н.Эгамбердиева



З.Искандарова




М.Матякубова



Р.Мирхолиқова



М.Махмудова



И.Тлеубергенова

Танлов комиссияси котиби: